Тошкент оқшоми

2012 ЙИЛ 9 ИЮЛЬ, ДУШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 134 (12.195)

Баҳоси эркин нархда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА ИЖТИМОИЙ НАФАҚАЛАР МИҚДОРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2012 йилнинг 1 августидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар ҳамда ижтимоий нафақалар, стипендиялар миқдори ўрта ҳисобда 1,15 баравар оширилсин.

2. 2012 йилнинг 1 августидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи – ойига 72 355 сўм;

ёшга доир пенсиялар – ойига 141 520 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа – ойига 141 520 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 86 835 сўм миқдорида белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшиладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2012 йилнинг 1 августидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ сарф-харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2012 йилнинг 1 августидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 3 ноябрдаги ПФ-4377-сонли Фармони (6 ва 7-бандлари истисно қилинган ҳолда) 2012 йилнинг 1 августидан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2012 йил 5 июль



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

ЁШ ТЕМИРЙЎЛЧИЛАРНИНГ ИШ ЖОЙИ ТАЙИН

Тошкент шаҳридаги темир йўл транспорти касб-ҳунар коллежи юртимиздаги соҳага ихтисослашган етакчи ўқув масканларидан бири.

Замонавий шарт-шароитга эга коллежда икки мингдан зиёд ўқувчи ўндан зиёд йўналишлар бўйича таҳсил олмоқда. Бу ерда ўқувчи-ёшларнинг етук мутахассис бўлиб етишиши учун барча шароит яратилган.

Жорий ўқув йилида коллежни 709 йигит-қиз тамомлаб, мустақил ҳаётга қадам қўйди. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясига қарашли ушбу коллеж битирувчиларининг барчаси учун иш жойи тайин экани эътирофга моликдир.

СУРАТЛАРДА: коллеж битирувчилари

Муҳаммад Амин (ЎзА) олган суратлар

Ўзбекистон — хорижликлар нигоҳида

УЛКАН ИМКОНИЯТЛАР МАМЛАКАТИ

Мамлакатимиз ўз тараққиёт йўлида изчил ривожланиб бормоқда. Шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси тубдан ўзгариб, халқимиз турмуш фаровонлиги юксалаётир. Бу ўсиш ва муваффақиятлар одамлар ҳаётида ўз ифодасини топмоқда, нуфузли халқаро ташкилотлар, молия муассасалари томонидан эътироф этилмоқда. Юртимизга, хусусан, қадимий Самарқандга келаётган хорижлик сайёҳлар ҳам бу ўзгаришларга ўзгача ҳайрату ҳавас билан боқмоқдалар. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзА мухбири улардан айримларининг фикрлари билан қизиқди.

Марко Бифф (Италия):

– Бундан ўн йил аввал ҳам Ўзбекистонга келган эдим. Очиғи, бугун юртингизни таниёлмай қолдим. Қисқа вақтда шунчалик ўзгаришлар бўлишини тасаввурга сиғдириш қийин. Лекин бунга гувоҳ бўлишнинг завқи ўзгача экан. Самарқанд ва Қашқадарёдаги тарихий обидаларни зиёрат қилиш билан бирга замонавий биноларни ҳам томоша қилдик. Йўллар атрофидаги гулзорлар, сўлим боғ ва хиёбонлар кишининг баҳри дилини очади. Шаҳарнинг тарихий обидаларга бой ҳудуди буюк ўтмиш, аждодларнинг бунёдкорлик салоҳиятидан ҳикоя қилса, янги қурилган иншоотлар замонавий шаҳарсозлик маданиятидан дарак беради. Ўзбекистон буюк тарихига муносиб келажак яратишга интилаётганига гувоҳ бўлдик.

Юрий Михалкин (Буюк Британия):

– Тақдир тақозоси билан дунёнинг бир қатор шаҳарларида истиқомат қилганман. Турли миллат вакиллари билан танишганман. Аммо ўзбеклардек меҳмондўст, бағрикенг ва самимий халқни кўрмадим. Оиламиз билан бир муддат Самарқандда яшаб, халқингизга хос кўпгина одатларни ўргандик. Бу ерда яшовчи дўстларимиз билан ҳозир ҳам борди-келди қилиб турамиз.

(Давоми 2-бетда)

ЯРИМ ЙИЛ ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплексининг 2012 йил биринчи ярмида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгилаб берилган вазифаларнинг Комплекс таркибига кирувчи вазирлик ва идораларда ижросини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар натижалари ва истиқболдаги вазифалар муҳокама қилинди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида Комплекс бўйича жами 1 триллион 995 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, хизматлар кўрсатилди. Ўсиш суръати 2011 йилнинг шу давридагига нисбатан 123,8 фоизни ташкил этди. Аҳолига 965 миллиард сўмлик (119 фоиз) пуллик хизматлар кўрсатилди. Инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар бўйича 161,8 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ўзлаштирилди ёки режага нисбатан 133 фоизга бажарилди, экспорт прогнози кўрсаткичлари ортиғи билан бажарилди.

Комплекс йиғилишида умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига тўлиқ қамраб олиш, коллеж битирувчиларини ишга жойлаштириш масалалари кўриб чиқилди.

«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурининг мақсад ва вазифаларини ҳаётга татбиқ этишда маҳалла ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ролини янада кучайтириш ҳамда мақомини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар, таълим-тарбия муассасалари билан оила институтининг ўзаро ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг яқин ва самарали ҳамкорлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган тадбирларнинг самарадорлиги, оила саломатлигини, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш, оилада тиббий хизмат кўрсатишни яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар самарадорлигини кучайтиришга доир вазифаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

(Давоми 2-бетда)

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ШАҲАР** болалар диагностика марказида Маънавият тарғибот маркази Ҳамза туман бўлими, туман тиббиёт бирлашмаси ҳамкорлигида, туман бош отинойиси ва имом хатиби иштирокида «Мафкуравий-ғоявий хуружларга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари» деб номланган тадбир бўлиб ўтади.

✓ **«МАҲАЛЛА»** хайрия жамоат фонди бир қатор ҳамкор ташкилотлар билан ҳамкорликда М.Улуғбек туманида жойлашган «Юзробод» спорт мажмуасида «Отам, онам ва мен — спортчи оила» шиори остида спорт мусобақалари ўтказди.

✓ **ТОШКЕНТ** шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан ташкил этилган давра суҳбати пойтахтимизда тозалик ва экологик мусаффоликни сақлашда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ўрнига бағишланди. Тадбирда экологлар, санитария-эпидемиология назорати ва ободонлаштириш соҳаси вакиллари, маҳаллалар фаоллари ва журналистлар иштирок этди.

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Бухоро вилояти Пешку туманидаги тиббиёт касб-ҳунар коллежида «Биз буюк юрт фарзандларимиз» шиори остида ўтказилган фестиваль доирасида ўқувчилар ўртасида иншолар ва расмлар кўрик-танлови ҳамда тумандаги маҳаллаларда яшовчи тадбиркор ёшлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар кўргазмаси ташкил этилди.**

● **Чирчиқ шаҳрида «Биз – соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз!» шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди. Унда мактаб, лицей ва коллеж ўқувчилари иштирок этди.**

● **Навоий вилояти Қизилтепа туманидаги «Бўстон» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида «Асл пойабзал» кичик корхонаси ишга туширилди. Бу ерда маҳаллий хомашёдан ўн турда пойабзал ишлаб чиқарилмоқда. Андозалар эса шу ернинг ўзида компьютер ёрдамида тайёрланмоқда.**

● **Кунига уч тонна сутни қайта ишлаш қувватига эга «Термиз сут» масъулияти чекланган жамиятида пластмасса идишлар ишлаб чиқарадиган мини технология ишга туширилди. Ушбу технология йилига қарийб 100 миллион сўмлик маблағни тежашга замин яратади.**

● **Оқолтин туманилик тадбиркор Нурали Одинаев пиллани қайта ишлашни йўлга қўйди. Ҳозирда 27 кишилик жамоа йил охиригача икки тонна ипак калаваси ва 120 минг метр адрас ишлаб чиқариш мақсадида меҳнат қилмоқда.**

● **Бахмал туманидаги «Музбулоқ» қишлоқ врачлик пункти «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда «Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди кўмагида муқобил энергия манбаи билан таъминланди. Эндиликда «Саломатлик-2» лойиҳаси асосида замонавий асбоб-ускуналар ва лаборатория жиҳозлари билан таъминланган врачлик пункти узлуксиз ишлайдиган бўлди.**

ЖАҲОНДА

● **Токиода ўтказилган халқаро конференцияда Афғонистонга 16 миллиард доллардан ортиқ халқаро кўмак кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилинди.**

● **Англия пойтахти Лондон шаҳрида Европа Иттифоқи ҳудудидаги энг баланд бино қад ростлади. Куни кеча 310 метрлик ушбу ноёб осмонўпар бинонинг тақдимот маросими бўлиб ўтди.**

● **Италиянинг Проторичо шаҳри кимошди савдосига қўйилди. Ушбу шаҳар икки ярим миллион еврога баҳоланмоқда. У ерда ўттизга яқин турар жой ва бир неча хўжалик бинолари жойлашган. Маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг ёзишича, Проторичо аҳолиси бу ерни бундан ярим аср аввал тарк этган. Шу боис бўлажак харидор шаҳардаги барча биноларни қайта таъмирлашига тўғри келади.**

● **АҚШда автомобиль учун янги турдаги ёқилғи насосини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Матбуотнинг ёзишича, бундай насослар катта миқдорда ёқилғи тежаш, ҳавога чиқариладиган заҳарли газлар миқдорини камайтириш имконини беради. Мутахассисларнинг сўзларига кўра, автомобилларга ўрнатиладиган мазкур насослар ҳаракатланиш жараёнида сарфланадиган электр қувватини 60-70 фоизга тежаб, автомобилга зарур бўладиган ёқилғи миқдорини аниқ кўрсатиш хусусиятига эга.**

● **Филиппиннинг Бунаван шаҳрида парваришланаётган Лолонг лақабли тимсоҳ шу турдаги йиртқичлар орасида энг узуни сифатида Гиннеснинг рекордлар китобидан жой олди. Ушбу тимсоҳнинг узунлиги 6 метр 17 сантиметрга тенг.**

ЯРИМ ЙИЛ ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мажлисда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш, давлат идораларида бошқарув жараёнларини автоматлаштириш мақсадида ахборот тизимларини жорий этиш, ходимларнинг компьютер саводхонлиги бўйича билим даражаларини ошириш ва ўтказилаётган аттестациялар натижалари таҳлил қилинди.

Интерактив давлат хизматларини кўрсатиш орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳамда аҳоли учун бюрократик тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш, уларни ахборот билан таъминлаш тизимини ривожлантириш мақсадида маҳаллий ҳокимлик органларида «Ягона ойна» марказларини ташкил қилишнинг ҳолатига оид масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

Шунингдек, Комплекс таркибига кирувчи идоралар тизимида 2012-2013 йиллар куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш ҳолати билан боғлиқ масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Йиғилишда Комплекс таркибига кирувчи вазирлик ва идораларда 2012 йил учун белгиланган устувор вазифалар ижросини сўзсиз амалга ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар белгиланиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎзА)



Мамлакатимиз иқтисодиётида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида хорижий сармоядорлар билан ҳамкорлик тобора кенгаймоқда. Буни чет эллик шериклар билан ҳамкорликда ташкил этилган кўплаб корхоналар мисолида ҳам кўриш мумкин. Уларнинг фаол иш юритиши, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариши ва хизмат кўрсатиши учун юртимизда барча имконият яратилган. Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган «Тезинтом» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси – улардан бири.

Асқар Ёқубов (ЎзА) олган сурат

Мамлакатимизда тадбиркорлик соҳасига бўлган эътибор йилдан йилга ортиб бормоқда. Бу борада айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йўналишидаги лойиҳалар юзасидан ўтказилаётган рағбатлантирувчи тадбирлар ўзгача аҳамият касб этади.

ЁШ ТАДБИРКОРЛАР ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг «Микрокредитбанк» ОАТБ ва «Агробанк» ОАТБ билан биргаликда имзолаган битимига асосан «Ёш тадбиркор – юртга мададкор» ҳамда «Ёш тадбиркор – келажакка пойдевор» лойиҳалари бўйича уюштирилаётган танловлар мана бир неча йилдирки, изланувчан ёшларимиз учун ўзига хос қанот вазифасини ўтамоқда.

Жорий йилда мазкур танловларда иштирок этиш учун Тошкент шаҳридан жами 120 нафар ёш тадбиркорлардан аризалар келиб тушган бўлса, улардан 35 нафари танловнинг шаҳар босқичига йўлланмани қўлга киритишди.

Эътиборли жиҳати шундаки, мазкур танловлар сабаб бўлиб кўплаб ёшлар ўзларида тадбиркорлик кўникмаларини шакллантирмоқдалар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни йўлга қўйиш сирларини ўрганишмоқда. Ушбу танловларда иқтидорли, изланувчан ёшларни ажратиб олиб, уларнинг лойиҳаларини тегишли ташкилотлар кўмагида молиялаштириш орқали ёшларни қўллаб-қувватлаш муҳим вазифалар сирасига киради.

Мирзо Улуғбек туманида жойлашган International house Tashkent академик лицейида танловнинг Тошкент шаҳар босқичи иштирокчилари учун 3 кунлик махсус ўқув семинар ташкил этилди. Семинар-тренинг давомида иштирокчиларга малакали мутахассислар томонидан тадбиркорликни тартибга солувчи меъёрий-қонуний ҳужжатлар, солиқ имтиёзлари, кредит сиёсати, бизнеснинг молиявий манбалари, бизнес режа ва маркетинг стратегияси каби кўплаб мавзулар юзасидан тушунтириш ишлари олиб борилди.

Эндиликда танлов иштирокчилари 11 июль куни ҳамкор ташкилот вакилларидан иборат ҳайъат аъзолари олдида ўз бизнес режаларини ҳимоя қиладилар. Лойиҳалари маъқулланган 20 нафар иштирокчиларнинг бизнес ғоялари тижорат банклари томонидан молиялаштиришга тавсия этилади, улардан 6 нафари танловнинг республика босқичига йўлланма оладилар.

Отабек ОТАЁРОВ

ХАЛҚАРО ТАНЛОВ ҒОЛИБИ

«Ташгипрогор» очиқ акциядорлик жамияти йирик лойиҳа ишларини олиб бораётган институт янглиғ республикамизда кенг танилган. Меъморчилик санъатини бунёдкорлик билан уйғунлаштириб ривожлантиришга катта ҳиссасини қўшиб келаётган бу маскан кейинги йилларда кўплаб унумли лойиҳаларни ишлаб чиқди.

Мазкур жамоада истеъдодли ёш архитекторлар ҳам анчагина. Жумладан, Нодир Алимов изланишлари асосида қатор ноёб лойиҳалар юзага келди. Тошкентда бунёд этилган турар жой мажмуаси лойиҳаси эса унга катта қувонч бағишлади. Беларуссиянинг пойтахти Минск шаҳрида ўтказилган халқаро танловда намойиш этилган бу меъморий ишланмага катта баҳо берилди. Бу ғолиб лойиҳа асосида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги қатор шаҳарларда ҳам бунёдкорлик ишлари олиб борилади. Институтнинг муҳандис-лойиҳачиси Михаил Пак томонидан тайёрланган лойиҳа эса Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси буюртмаси асосида рўёбга чиқди.

Акбар АЛИЕВ

ИҚТИДОРЛИ ҚИЗЛАР УЧРАШУВИ

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасида Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари билан учрашув бўлиб ўтди.

Ватанимиз мустақиллигининг йигирма бир йиллиги арафасида ўтказилган Зулфияхоним қизларининг мазкур анжуманига ушбу нуфузли мукофотга Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидан сазовор бўлган қизлар, хотин-қизлар қўмиталарининг фаоллари, олималар, ёш тадқиқотчилар, оммавий ахборот воситаларининг ходимлари таклиф этилди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги фаоллигини ошириш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш масаласига давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида қизларга алоҳида ғамхўрлик ва эътибор кўрсатиш, уларнинг билим олиши, ҳунар эгаллаши, жамиятда ўз ўрнини топиши учун ҳар жиҳатдан кўмаклашишга оид ишлар сифат жиҳатдан янада юқори босқичга кўтарилди.

Мамлакатимизда таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти илғор, фидойи, аъло ўқиши, намунали хулқи, изланиши билан тенгдошларига ўрнак бўлишга муносиб қизларни қўллаб-қувватлаб, янгидан-янги ижодий парвозларда уларга қанот бўлмоқда. Ҳозирга қадар мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан ўнлаб иқтидорли қизлар фан, таълим, адабиёт, санъат, маданият, спорт бўйича қўлга киритган юксак ютуқлари учун ушбу нуфузли мукофот билан тақдирланган. Уларнинг аксарияти ўз йўналиши бўйича илмий тадқиқот институтлари, инновацион марказлар, таълим муассасалари, маърифат даргоҳларида самарали фаолият олиб бормоқда. Санъат, маданият, спорт бўйича салмоқли ютуқларни қўлга киритаётир.

Улардан бири – Ёркиной Эрназарова Хоразм вилоятининг Янгиариқ туманидаги Остона қишлоғида туғилган. 2006 йилда таълим йўналиши бўйича Зулфияхоним қизлари сафига қўшилишга муяссар бўлган Ёркиной Ўзбекистон Миллий университетида глобаллашув шароитида ёшларни ғоявий таҳдидлардан ҳимоялашга оид мавзуда илмий изланиш олиб бормоқда.

– Ёшларга, айниқса қизларга кўрсатилаётган алоҳида эътибор ва ғамхўрлик самарасида 2010 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендияси совриндори бўлдим, – дейди Ёркиной. – Эришаётган барча ютуқларимиз замирида давлатимиз раҳбарининг биз, ёшларга кўрсатаётган чексиз меҳр-эътибори, ғамхўрлиги муҳим омил бўлмоқда.

Учрашувда Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаларининг ижтимоий бурчи ва фаоллигини янада ошириш, ижодий, илмий-маърифий изланишларини изчил қўллаб-қувватлаш масаласига эътибор қаратилди. Иқтидорли қизларнинг маҳалла, хотин-қизлар қўмиталари, таълим масканлари билан ҳамкорлигини кучайтириш, навқирон авлодни «оммавий маданият»нинг таъсиридан ишончли ҳимоялашда уларнинг фаол иштирокини таъминлаш зарурлиги таъкидланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири

УЛКАН ИМКОНИЯТЛАР МАМЛАКАТИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бу галги сафарим давомида Хива, Бухоро ва Самарқанддаги тарихий обидаларни яна бир бор зиёрат қилдим. Бир неча асрлик тарихга эга бу қадимий бино ва ёдгорликларни асраб-авайлаш, келгуси авлодларга безавол етказиш борасида олиб борилаётган ишлар таҳсинга лойиқ. Бу қадимий шаҳарлар кейинги йилларда ёшаргандек кўринди. Ҳар бир шаҳар ва қишлоқда улкан қурилиш, ободонлаштириш ишлари амалга оширилаётгани давлат иқтисодиёти мустаҳкамлиги, одамларнинг фаровон ҳаётидан нишонадир.

Ана Кастро хоним (Испания):

– Бизда юртингиз ҳақидаги илк тасаввурлар Амир Темур ва темурийлар тарихини ўрганиш орқали пайдо бўлган. Негаки, халқларимиз ўртасидаги муносабатлар узоқ ўтмишга бориб тақалиши боис бу ҳақдаги манбалар жуда кўп. Мен ҳам ўша китоблар орқали Самарқанд ва бошқа шаҳарлар тўғрисида тушунчага эга бўлганман ҳамда уларни ўз кўзим билан кўришни орзу қилганман. Бугун ана шу орзуим амалга ошганидан бениҳоя хурсандман.

Самарқанд ҳақиқатан ҳам дунёнинг энг гўзал ва бетакрор шаҳарларидан бири экан. Шифокор бўлганим учунми, аввало, шаҳарнинг мусаффо ҳавоси, гўзал табиати эътиборимни тортди. Айниқса, тунда ва тонг саҳарда эсадиган майин шабада кишига ўзгача роҳат бағишлайди. Кечаси ҳам шаҳардаги боғ ва хиёбонлар одамлар билан гавжум. Бу юртингиздаги тинчлик, осойишталик белгисидир.

Регистон майдонидаги улкан бино ва миноралар мўъжизанинг ўзи. Ушбу иншоотларда Шарқ меъморчилигининг ноёб дурдоналари мужассамлиги учун ҳам дунёнинг турли ҳудудларидан уни кўриш учун келишади. Сафарим давомида ёдда қоладиган таассуротлар кўп бўлди. Айниқса, Тошкентдаги Темурийлар тарихи давлат музейи ва Самарқанддаги мақбарани томоша қилиб, буюк саркарда ҳақида кўплаб янги маълумотлар олганимдан хурсандман.

Ғолиб ҲАСАНОВ ёзиб олди

«Пойтахт» бизнес марказида «Мустаҳкам оила йили» давлат Дастури доирасида «Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оилага» лойиҳасининг тақдимоти бўлиб ўтди.

ЛОЙИҲА ТАҚДИМОТИ

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси «Аёллар қаноти», Марказий банк ва тижорат банклари ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Савдо-саноат палатаси ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда жорий йилда амалга оширилиши лозим бўлган лойиҳалар, маҳаллаларда яшовчи аёлларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш билан боғлиқ амалий ҳаракатларни янада кучайтириш, оилавий бизнесни ривожлантириш ва шу орқали маҳаллани тадбиркорлик марказига айлантириш масалалари атрофлича муҳокама қилинди. Таъкидлаш ўринлики, аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга ўтган 2011 йилда 335 миллиард сўмдан ортиқ кредит маблағлари ажратилган бўлса, жорий йилда ушбу кўрсаткич 365 миллиард сўмдан ошади.

Тадбирда «Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оилага» номли лойиҳанинг тақдимоти бўлиб ўтди. Лойиҳа хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада кучайтириш, уларда тадбиркорлик ва ишбилармонлик кўникмаларини шакллантириш, хотин-қизларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка, хусусан, оилавий тадбиркорлик, ҳунармандлик, касаначилик фаолиятига кенг жалб этиш орқали оилавий бизнесни ривожлантириш, хотин-қизларнинг ҳуқуқий билимларини оширишга қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Лойиҳа доирасида оилавий тадбиркорлик — аёллар бандлигини таъминлашнинг муҳим омили, оилавий тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш масалалари, бизнес-режа тузиш ва уни техник-иқтисодий жиҳатдан асослаш, тадбиркорлик фаолиятига тааллуқли қонун ва ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар билан таништириш ва улар билан ишлаш мавзуларида давра суҳбатлари ўтказилиши режалаштирилган.

Оилавий тадбиркорлик субъектларига имтиёзли кредитлар ажратиш борасида кўрилаётган чоралар, соддалаштирилган кредитлаш механизмларининг жорий этилганлиги лойиҳадан кўзланган натижаларга эришишда муҳим аҳамият касб этиши алоҳида эътироф этилди.

Тадбирда тадбиркорлик фаолиятига оид қонун ва ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, тадбиркорларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида юртимизда амалга оширилаётган сиёсий-иқтисодий ислоҳотларнинг аҳамияти, тадбиркорлик фаолиятига оид қонунчилик асослари, соҳа ривожида тўсиқ бўлаётган муаммолар ва уларнинг ечимини излаш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашинилди.

Алиёр ОРИПОВ, «Туркистон-пресс»

Иқтисодиёт

ТРИКОТАЖ МАТОЛАРИНИНГ ЯНГИ ТУРЛАРИ

Мамлакатимизда тўқимачилик маҳсулотлари турларини ошириш йўлида технологик тадбирлар амалга оширилмоқда. Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институти олимларининг бу соҳадаги изланишлари яхши самара бермоқда.

Олий ўқув юртининг «Трикотаж ўқув ишлаб чиқариш лабораторияси»га янги дастгоҳлар ўрнатилиши ҳам айни муддао бўлди.

— Бунга қадар айлана игнадонли трикотаж машиналари анча эскирган эди, — дейди муҳандис Собир Тоиров. — Янги олинган машинанинг технология имкониятлари жуда юқори. Машинада деярли механик ҳаракатлар йўқлиги ва ҳаво ёрдамида ишлаши, игналар, платиналарнинг автоматик равишда мойланиб туриши дастгоҳларнинг шовқинсиз ишлашини таъминлайди. Бу эса дастгоҳларнинг унумдорлиги ҳамда тўхтамасдан ишлаши учун муҳимдир. Трикотаж машинаси ҳар дақиқасига 40 марта айланиш тезлигига эга бўлиб, 22 соатда 400-500 килограмм мато олиш имкони мавжуд.

Машинада дастурлар ойнасининг борлиги ишлаш жараёнини кўрсатиб туради.

Анвар ВАЛИЕВ



Касб-ҳунар коллежларини битираётган ёшларни иш билан таъминлаш учун барча зарур шарт-шароит яратилмоқда. Бунда коллежлар ва корхоналар ўртасида битирувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётини ўташи ва келажакда мазкур корхоналарда ишга жойлашиши бўйича уч томонлама шартнома тузиш йўлга қўйилгани муҳим аҳамият касб этаётир.

Буни Тошкент меҳмонхона хўжалиги касб-ҳунар коллежи битирувчилари мисолида ҳам кўриш мумкин.

СУРАТДА: информатика ўқитувчиси Муҳаббат Имомова ўқувчилар билан машғулотда.

Асқар Ёқубов (ЎзА) олган сурат

СОҲАДАГИ ИШЛАР ТАҲЛИЛ ЭТИЛДИ

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда фуқароларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, уларни ёт салбий ғоялардан асраш, маънавий камолотини шакллантириш, аҳолини она-Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ишларини тизимли ташкил этиш масалаларига катта эътибор берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарори ижросини ўрганиш бўйича Сергели туман Маънавият ва маърифат Кенгашининг йиғилишида туман банк-молия муассасалари ҳамда Ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш «Ўздавбионазорат» Республика Давлат инспекциясида олиб борилаётган маънавий-маърифий ишлар таҳлил қилинди, аниқланган камчиликларни тузатиш бўйича тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Шу билан бирга олиб борилаётган хайрли ишлар натижасида Корея Республикаси KOIKA компанияси билан ҳамкорликда Сергели-8 мавзесида яқинда бунёд этилган Тошкент шаҳар касб-ҳунарга ўқитиш марказида яратилган шароитлар ҳақида, таълим йўналишлари ҳамда ўқитишнинг янги илғор технологиялари хусусида марказ услубчиси Санобар Алимова тақдимот маросимини ўтказиб, мақсад-вазифаларни тушунтириб берди.

Йиғилишда сўзга чиққан туман банк муассасалари бошқарувчилари, Ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш «Ўздавбионазорат» Республика Давлат инспекцияси бошлиғи Александр Григорян, Халқ банки Сергели филиали бошқарувчиси Бобурхон Абдуллаев жойларда маънавий-маърифий ишларни янада ривожлантиришга доир фикр-мулоҳазаларини баён қилдилар.

Баҳодир ХАИТМАТОВ,
Маънавият тарғибот маркази Сергели туман бўлими раҳбари

СОҒЛОМ ОИЛА — МУСТАҲКАМ ЖАМИЯТ АСОСИ

«Мустаҳкам оила» тушунчаси нафақат ота-она ва бола орасидаги бирлик, балки Ўзбекистон миқёсида оиланинг яқин қариндошлари, ота-инилари, яқинлари, ҳатто маҳалла, туман, вилоят, Республика аҳолисининг ғоявий бирлиги омили деган маънони билдиради.

Донишмандларнинг «Бир болага етти қўшни ота-она» деган ҳикматининг замонавий талқини шундай. Айниқса 12 ёшдан — 18 ёшгача бўлган вояга етмаган болаларни тарбиялаш алоҳида эътиборни талаб қилади. Яъни, уларнинг хулқ-атворини, ўқиши ёки ишини, бўш вақтини кимлар билан ўтказишини ҳар томонлама ўрганиш, тўғри йўлдан адашиб қолиш ҳолатлари юз бериш эҳтимоли сезилиши биланоқ олдини олиш имконини беради. Жамиятнинг соғломлиги, энг аввало соғлом оила вужудга келиши билан боғлиқ. Зеро, оила соғлом бўлса, мамлакат қудратли, юрт тинч ва осойишта бўлади.

Аммо аёлларимиз, оналаримиз ўз саломатлигини сақлаш учун ҳаракат қиляптиларми? Келажак авлод ўз фарзандлари олдида тегишлича масъулият сезяптими?

Соғлиқни сақлаш тизимидагиларга қанчалик мураккаб ишлар юклатилмасин, қанчалик янги дорилар кўпайтирилмасин, агар ёшларимиз, оналаримиз, қизларимиз ўз саломатликлари ва бўлажак фарзандларининг саломатликлари учун қайғурмасалар ҳеч қачон керакли натижага эришиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам соғлом ёш авлоднинг ўсиб-улғайиши ва унинг тарбияси оила турмуш тарзига боғлиқдир. Соғлом авлод эса соғлом онадан дунёга келади.

Афсуски, ҳозирги кунда репродуктив ёшдаги аёлларимизнинг аксариятида у ёки бу касалликлар учрайди. Бунинг асосий сабаблари таҳлил қилинганда она бўлишга ҳозирланаётган кўпчилик аёлларимизда оддий тиббий саводхонликнинг, тиббий маданиятнинг етишмаслиги, соғлом турмуш тарзига ўрганмаганлик, кундалик ҳаётда пала-партишликларга йўл қўйишларидир.

Ана шунинг учун ҳам бевосита аҳоли ўртасида, маҳалла-кўйларда, оилаларда, таълим масканларида ва умуман жамоатчилик ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш барча жамоат ташкилотлари, маҳалла фаоллари, халқ таълими, соғлиқни сақлаш тизими орқалигина кенг миқёсда олиб борилиши орқали кутилган натижага эришиш мумкин.

Инсоннинг жисми ва тафаккурини заҳарлаётган наркотик, психотроп моддаларни истеъмол қилиб гиёҳвандликка дучор бўлаётган, оқибатда миллий генофондга путур етказаётган йигит ва қизларимиз мавжудлиги ташвишли эмасми? Маст қилгувчи ичимликлар ичиб, тамаки чекишни ўзига одат қилиб олаётган ёшлар тақдирига бефарқ қараш мумкинми? Қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳ туфайли туғма ногирон гўдаклар дунёга келаётганлиги даҳшатли эмасми? ОИТС касаллигига учраган ёшлар бизда топилмаяптими?

Энг ачинарлиси шундаки, ушбу иллатларнинг келажакдаги меваси аччиқ бўлиб, улар тузатиб бўлмайдиган, қайта тикланиши оғир бўлган асоратларга олиб келиши мумкин.

Буларнинг олдини олиш учун эса Республикамиздаги барча жамоат ва давлат ташкилотлари, ҳаммамиз «бир ёқадан бош чиқариб» тарғибот-ташвиқот ишларини маҳаллаларда, мактабларда, таълим масканларида аҳоли ўртасида доимий равишда олиб боришимиз, бунда албатта ота-оналар билан биргаликда ёшлар иштирокини ҳам таъминлаш, уларнинг фаоллигини ошириш зарур.

Зулфия АБДУРАСУЛОВА,
Мирзо Улуғбек туман ФҲДЁ бўлими мудираси

Тошкентда номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича семинар ўтказилмоқда. Семинар Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда ЮНЕСКОнинг юртимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган.

НОМОДДИЙ МАДАНИЙ МЕРОС МУҲОФАЗАСИ

Семинар мамлакатимизда номоддий маданий меросни муҳофаза қилишга йўналтирилган дастур юзасидан олиб борилаётган тадбирлар салоҳиятини ошириш, ЮНЕСКОнинг номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш Конвенцияси тавсиялари асосида фаоллик ва масъулиятни ошириш ҳамда халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилди.

Маълумки, 2003 йилда БМТнинг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО) томонидан номоддий маданий мерос муҳофазаси тўғрисида Конвенция қабул қилинган. Бу Конвенцияга 143 мамлакат ва шулар қаторида Ўзбекистон ҳам аъзо бўлган.

«Номоддий маданий мерос» ибораси луғатимизга кириб келганига кўп вақт бўлгани йўқ. Бироқ бу тушунча билан боғлиқ хазина миллий бойлигимиз сифатида халқимиз томонидан асрлар давомида қадрланиб, наслдан-наслга ўтиб келмоқда. Бу мерос халқ оғзаки ижодида, ижро санъатида, урф-одатларда, маросим ва байрамларда, табиат, коинот, мантиқ илмларига оид сермаъно фикрларда рўй-рост намоён бўлади. Номоддий маданий мерос инсоният ҳаётининг ажралмас қисми бўлиб, маълум миллатнинг ўзига хос хусусиятлари, урф-одатлари ва анъаналарини ифодалайдиган билимлар, артефактлар ва улар билан боғлиқ жиҳозлар, предметлар, муҳит, замон ва бошқаларни ўз ичига олади. Буларнинг бари ҳамжамиятнинг, шу жумладан жамиятдаги ҳар бир шахс маданий меросининг бир қисмидир.

Ота-боболар, аждодлардан мерос бўлиб келган ва келажак авлодга мерос бўлиб қоладиган бундай номоддий маданий мерос миллат тарихи билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлади ва ҳаёт силсиласи, атроф-муҳит таъсирида шаклланиб, сайқалланиб боради. Баъзида эса эътиборсизлик, хўжасизларча муносабат натижасида йўқ бўлиб кетиши ҳам мумкин. Номоддий маданий мерос намуналари халқ вакиллари онгида ворислик туйғусини шакллантиради, бу туйғу уларни номоддий маданий меросни севишга, у билан фахрланишга, авайлаб-асрашга, келажак эгаларига бор бутунлигича етказиб беришга руҳлантиради.

2010 йилнинг 7 октябрида қабул қилинган «2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида» қарор соҳада амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини янада оширди. Унда 10 йил давомида номоддий маданий меросимизни авайлаб-асраш ва бу борада олиб бориладиган асосий тадбирлар йўналишлари белгилиб берилган.

– Республикамизда номоддий маданий меросимиз намуналари, халқ оғзаки ижодиётига оид аския, катта ашула, мақом, достон ва бошқаларни тадқиқ қилиш, уларни ёшлар ўртасида оммалаштириш мақсадида кўпгина самарали ишлар амалга оширилмоқда, – дейди Ўзбекистон бастакорлар уюшмаси раиси, композитор Рустам Абдуллаев. – Жумладан, Ўзбекистон Давлат консерваториясида бу борадаги тадбирлар, танловлар, концертлар анъанавий тарзда ўтказиб турилади. Ҳозирги кунда «Ўзбекистоннинг номоддий маданий мероси» номли ўқув қўлланмаси ишлаб чиқилиб нашр этилиш арафасида турибди. Номоддий маданий меросни асраш йўналишида давлатимиз ва жамоатчилик органлари томонидан самарали фаолият олиб борилаётир. Бунга анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган «Асрлар садоси» фестивалини мисол тариқасида айтиб ўтиш мумкин. Мазкур фестиваль халқимизнинг номоддий меросини авлоддан-авлодга етказиб берувчи истеъдод эгаларини кашф этиб элимизга танитишга катта ҳисса қўшмоқда.

Манзура БЕКЧОНОВА,
«Туркистон-пресс»

ЭНДОВИЗУАЛ ЖАРРОҲЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Мамлакатимизда эндоскопия хизмати йўлга қўйилганига 30 йил бўлди. У Тошкент Тиббиёт академиясининг умумий жарроҳлик кафедраси ҳузурида профессор Восит Воҳидов раҳбарлигида пайдо бўлган эди.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги ҳисобланган В. Воҳидовга эҳтиром кўрсатилиб, «Воҳидов ўқишлари»ни ўтказиш тўғрисида ҳукумат қарори чиқарилди. Ушбу тадбир ҳар йили Ватанимиз ва кўзга кўринган чет эл жарроҳларини таклиф этган ҳолда ўтказиб келинмоқда.

Навбатдаги анъанавий «Воҳидов ўқишлари» жарроҳликнинг энг муҳим мавзуларидан бири бўлган «Нафас ва овқат ҳазм қилиш тизими аъзолари касалликларининг эндовизуал диагностикаси»га бағишланди.

Эндовизуал жарроҳлик эндоскопия ёрдамида амалга оширилади. Эндоскопия ички органларнинг ҳолатини текшириб, уларни фототасмада акс эттиради. Эндоскопия текшириш билан бирга даволаш учун ҳам қўлланилмоқда.

Бугунги кунда республикамизнинг 300 га яқин тиббий муассасасида эндоскопия хизмати йўлга қўйилган. Академик В. Воҳидов номидаги жарроҳлик илмий маркази мамлакатимизда эндоскопия хизматини бошқариб, кутилган натижаларга эришмоқда.

Аҳмад ОБИДОВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ бошланғич баҳоси боскичма-боскич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда: 1. Паркент тумани СИБ томонидан 28.01.2011 й. № 1-268/11-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Паркент тумани, Хисарак қишлоғида жойлашган савдо дўкони биноси. Бошланғич баҳоси 2 158 000 сўм. 2. Паркент тумани СИБ томонидан 28.01.2011 й. № 1-268/11-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Паркент тумани, А. Навоий кўчасида жойлашган савдо дўкони биноси. Бошланғич баҳоси 4 092 000 сўм. Аукцион савдоси 2012 йил 9 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулклар 2012 йил 9 август куни савдода сотилмаган тақдирда, мазкур мулкларни сотиш юзасидан такрорий савдо 2012 йил 24 август куни бўлиб ўтишини маълум қиламиз. Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ Тошкент шаҳар, «Ипотека банк» АТИБ Шайхонтоҳур филиалига қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020 8000 5049 3605 0002, МФО: 00425, СТИР: 207125885. Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184 - уй. Телефон: (8 - 371) 266-80-76. Лицензия: RR-0052

«RAHMAN QUL GROUP» МЧЖ ташкил топгандан буён молиявий-хўжалик фаолиятини юритмаганлиги учун корхонанинг 2012 йил 10 июлдан тугатилиши маълум қилинади.

2002 йил 27 июнда Сайфуллаев Саиджон Абдурасулович номига берилган юридик фанлар номзоди илмий даражаси тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан берилган 01№0066 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 223-хона.

Қилмиш-қидирмиш

ФИРИБГАРЛИКНИНГ ОХИРИ ВОЙ

Бугунги кунда кўпчилик ишбилармонлар бозорда бир-бирлари билан танишишади. Элбек билан Алибек ҳам пойтахтимизнинг машина бозорида танишиб қолишди. Элбек Алибекка ўзига тегишли бўлган «Жигули» русумли автомашинасини сотиб олишни таклиф қилди. Алибек автомашинанинг у ёқ, бу ёғини кўргач, уни келишилган нархда харид қилади.

Орадан анча вақт ўтгач, Элбек унинг ёнига келиб деди:

— Менда 1977 йилда ишлаб чиқарилган «Жигули» русумли, ранги қизил автомашина бор. Ўшани сотмоқчиман. Олсангиз, сизга арзонга бераман.

Алибек бу автомашинани ҳам кўриб, уни 2.350.000 сўмга сотиб олди. Уларнинг ўртасидаги олди-сотди қизигандан қизиди. Элбек энди унга кўк рангли «Жигули» автомашинасини кўрсатди. Алибек уни ҳам сотиб олди. Автомашина бироз юргач унинг мотори тақиллаб кетди.

— Ҳечам хижолат бўлманг, ака! Машинани устахонага олиб бориб таъмирлатаверинг, харажатларингизни бераман, — деди машинани қайтариб беришидан чўчиб Элбек.

Алибек унинг гапига ишониб машинани Қорасув мавзесидаги Амир Темур маҳалласидаги устахонага олиб бориб, моторни очиб 227.000 сўмни эҳтиёт қисмларига, 100.000 сўмни иш ҳақига бериб таъмирдан чиқарди. Аммо Элбек ваъдасининг устидан чиқмасдан, уни алдаб юрди.

Алибек қизил рангли «Жигули» автомашинасини таъмирлатиб, бир неча кун ҳайдаб юрди.

Бир куни унинг ёнига бир киши келиб ўзини «Фатхулламан» деб таништириб, машинанинг эгасини сўради.

— Элбек деган йигитдан сотиб олганман, деди Алибек.

— Ие, қанақасига сотиб оласиз. Ахир Элбекка мен бу машинани ижарага берганман. Қани, машинадан тушинг-чи. Уни олиб кетаман!

— Кечирасиз, ака, пулингизни сизга берсам, менинг номимга расмийлаштириб берасизми? — деди унинг важоҳатидан чўчиб Алибек.

— Ҳа, сенга расмийлаштириб бераман, — деди Фатхулла.

Алибекнинг жаҳли чиқиб дарҳол Элбекни топишга қарор қилди. Элбек ростдан ҳам қизил «Жигули» автомашинасини ижарага олганини, пул зарур бўлганлиги учун уни алдаб сотганлигини, пулларини қайтаришини айтди. Аммо бу гал ҳам турли баҳоналар топиб пулларини қайтармасдан юрди. Тоқати тоқ бўлган Алибек унинг устидан судга мурожаат қилди. Шундан сўнггина Элбек олган пулларини тўлиғича Алибекка қайтарди. Бироқ, энди кеч эди.

Мирзо Улуғбек туман судида мазкур жиноий иш кўриб чиқилиб, Элбек Истановни Жиноят кодексининг 168-моддаси 2-қисмининг «б» банди билан айбдор деб топиб, шу моддага асосан иш ҳақидан 20 фоизини ушлаб қолиш шарти билан 2 йилга ахлоқ тузатиш ишларига жалб этиш жазоси тайинланди.

Алишер МУХТОРОВ,
Мирзо Улуғбек тумани прокуратураси катта терговчиси
Хонбиби МАҲАМОВА,
журналист



Ёз — ўтмоқда соз

ОРОМГОҲДА МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАР

Шаҳримиз ҳудудида жойлашган оромгоҳларда маданий-маърифий тадбирларни ташкил этишга катта аҳамият қаратилмоқда.

Юнусобод туманида жойлашган «Зилола» болаларни соғломлаштириш оромгоҳида ҳам ўқувчиларнинг мазмунли ҳордиқ чиқаришлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Турли маданий ва спорт тадбирлари шулар жумласидандир. Уларни ўтказишда Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши, шаҳар Маданият ва спорт ишлари бошқармаси, Саломатлик ва тиббий статистика институти Тошкент шаҳар филиали яқиндан бош қўшмоқда.

Куни кеча оромгоҳда «Ўзбекнаво» гастрол бирлашмаси томонидан чиройли концерт дастури ташкил этилди. Унда Шаҳзода Бўтаева, Умида Хўжаева, Феруза Маҳмудова (Руҳшона), Сирожиддин Ҳожиев ва Фаррух Комилов каби истеъдодли ёшлар ижросида Ватан ва мустақилликни мадҳ этувчи, болаларга бағишланган қўшиқлар янгради, болалар мириқиб рақсга тушдилар. Шунингдек, шу куни «Мустаҳкам оила йили» муносабати билан туманда амалиёт ўтаётган Ички ишлар вазирлиги академияси 3-босқич тингловчилари иштирокида вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва гиёҳвандликка қарши кураш мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

Оромгоҳда бундай тадбирлар давом этмоқда.

Даврон НУРМАТОВ

СУРАТДА: «Зилола» оромгоҳи фаолиятидан лавҳа

Козим Ўлмасов олган сурат

Таълим-тарбия ҳеч қачон ўзгармайди. Аксинча, у йиллар сайин такомиллашиб, ўсиб келаётган ёш авлоднинг келгусидаги ҳаёт фаолияти учун сув ва ҳаводек зарур бўлган энг муҳим, бирламчи сабоқлардан биридир. Шу боис, ёшликдан олинган таълим ва тарбиянинг ўрни бўлакча.

Фавқулодда вазиятлар бошқармаси фаолиятидан

БОЛАЖОНЛАР ОНГИГА СИНГДИРИЛМОҚДА

Айниқса, мактабгача таълим муассасаси ёшидаги болаларда идрок қилиш ҳисси жуда ўткир, хотираси мустаҳкам бўлади. Болаликда кўрган, билган ва ҳис-ҳаяжон билан идрок этилган нарсалар бутун умр эсда сақланиб қолиши барчамизга маълум.

«Ёшликдан олинган билим – тошга ўйилган нақш кабидир» деб халқимиз бежиз айтмаган. Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва содир бўлганда қандай ҳаракат қилишга ўргатишни болаларга боғча ёшидан чуқур ўргатиб, онгига сингдириб бориш фойдадан холи бўлмайди.

Тошкент шаҳридаги қатор туманларда ўтказилаётган қўмондонлик-штаб ҳамда тактик-махсус ўқув машқлари муносабати билан туман ҳудудида жойлашган барча мактабгача таълим муассасаларида Фуқаро муҳофазаси соҳаси бўйича олиб борилаётган ишлар чуқур ўрганиб чиқилди ва бошқарма ҳарбий хизматчилари ва хизматчи-мутахассислари томонидан амалий ва услубий ёрдам кўрсатилиб, 1,5 ёшдан 7 ёшгача бўлган болаларни 7-8 балли зилзила содир бўлганда эвакуация қилиш машқлари ўтказилмоқда.

Ушбу тадбирларга шаҳар ҳудудида жойлашган барча мактаблар, мактабгача таълим муассасалари ва Фуқаро муҳофазаси хизматлари раҳбарлари қатнашмоқдалар. Ўтказилаётган машғулотлар Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси раҳбарияти томонидан фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ҳамда эҳтиёт чораларини кўриш, Фуқаро муҳофазаси тузилмалари сардорларини тайёргарликдан ўтказишни ва доимий тарзда боғчаларда амалий машғулотлар ўтказилиб турилишини талаб этади.

Шундай экан, мактабгача таълим муассасаларида болалар иштирокида фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш қоидаларини маълум бир режа асосида кичкинтойларга ўргатиш, ҳар бир мактабгача таълим муассасасида белгиланган режа асосида амалий машқларни, яъни «Фуқаро муҳофазаси куни»нинг ўтказиб турилиши мақсадга мувофиқдир. Боғчаларда тарбияланувчи болалар учун содда, тушунарли ва аниқ расмлардан иборат «Фуқаро муҳофазаси» бурчакларини ташкил этиш – ҳозирги куннинг энг долзарб масалаларидан биридир. Чунки дунёда содир бўлаётган турли кўринишдаги фавқулодда вазиятларда нобуд бўлаётган инсонларнинг 40 фоизи танг ҳолатлар чоғида ўзини қандай тутиш кераклигини билмасликлари оқибатида ҳаётдан кўз юмган.

Боғчаларда алоҳида Фуқаро муҳофазаси бурчагини ташкил этишда, фуқаро муҳофазасига оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар матнлари, фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш, кўргазмали плакатлар, шахсий муҳофазаланиш асбоб-ускуналари ва улардан фойдаланиш қоидалари қайд этилган эслатмалар бўлиши нафақат тарбияланувчи болалар учун, балки уларга тарбия бераётган тарбиячилар учун ҳам катта аҳамиятга эга. Сабаби, болаларга кўникма, билим ва фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилишни ўргатаётган тарбиячиларнинг ўзлари яхши билимга эга бўлишлари жоиздир.

Бола онги ва қалбини бежиз оппоқ қоғоз саҳифасига менгзашмайди. Зеро, ҳар қандай доғу нуқсондан холи бу беғубор вужудда дастлаб ота-она, сўнгра эса тарбиячи ва мураббийлар меҳри, эътибори ва бераётган билимига қараб, яхши-ёмон, чиройли-хунук, керак-нокерак одатлар шаклланиб боради. Бизнинг энг асосий мақсадимиз, аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, уларни турли офатлар ва фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилиш ва бирор кўнгилсиз ҳодисалар рўй бергудек бўлса, уларни тўғри ҳаракат қилишга болалигидан ўргатиб боришдир.

Азамат СУЮНОВ

Спорт янгиликлари

ТЕННИСЧИЛАРИМИЗ БОШ СОВРИНГА ДАЪВОГАР

Пойтахтимизда теннис бўйича ўсмирлар ва қизлар ўртасида давом этаётган «NBU Cup-2012» анъанавий халқаро турнирининг яккалик ва жуфтлик беллашувларида бош совринга даъвогарлик қилаётган кучли теннисчилар тобора сараланмоқда.

Қизлар ўртасидаги яккалик баҳсларида биринчи рақамда сараланган Нателла Набиева чорак финал йўлланмаси учун ўтказилган учрашувда ўз ҳамюрти Гўзал Юсуповани 6:3, 2:6, 6:3 ҳисобида мағлубиятга учратди. Яна бир беллашувда икки теннисчимиз – Сарвиноз Саидхўжаева ҳамда Моҳинур Абдуллаева ўзаро куч синашди. Кескин ва муросасиз баҳсда Сарвиноз 6:4, 6:4 ҳисобида устун келди.

Жуфтликлар мусобақасида Нателла Набиева россиялик Дарья Лодикова билан бирга ўзбекистонлик Алиса Огородова ҳамда Россия вакиласи Кристина Пастухова дуэтини 7:6, 3:6, 10:4 ҳисобида енгиб, ярим финалга йўлланма олди. Россиялик Анастасия Еводян билан ҳамкорликда ўйнаётган теннисчимиз Амина Мухаметшина ҳам турнирдаги иккинчи ғалабасини нишонлаб, бош соврин учун курашни давом эттирмоқда.

Ўсмирларнинг яккалик баҳсларида иқтидорли теннисчимиз Санжар Файзиев исроиллик Эдан Лэшемга қарши ўтган учрашувни 6:1, 1:6, 6:1 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилди. Шунингдек, вакилларимиздан Александр Цаткин ва Жўрабек Каримов ҳам чорак финалга йўл олди.

Жуфтликлар ўртасида иккинчи рақамда сараланган Санжар Файзиев ва Абдуворис Саидмуҳаммедов дуэти испаниялик Эктор Гарсия Оливеда ва канадалик Давид Вольфсон устидан 4:6, 6:4, 10:6 ҳисобида зафар қучди. Иқтидорли ёш теннисчиларимиз – Михаил Есипов ва Сардор Раҳимов ҳам исроиллик Рам Капач ва Даниэль Тамирдан 7:6, 6:3 ҳисобида устун келди.

(ЎзА)

Футбол бўйича Ўзбекистон кубоги мусобақасидаги кучли жамоалар тобора сараланмоқда.

КУЧЛИЛАР КЕЙИНГИ БОСҚИЧДА

Мусобақа бош совринига асосий даъвогарлардан ҳисобланган «Бунёдкор» футболчилари нимчорак финалда Ғузорнинг «Шўртан» жамоасини икки маротаба мағлубиятга учратди. Пойтахтда ўтган дастлабки учрашувда рақиб дарвозасига жавобсиз иккита тўп киритган Миржалол Қосимов шогирдлари сафардаги жавоб ўйинида кичик ҳисобда зафар қучди. Пойтахтликларга ғалаба келтирган ягона гол Руслан Мельзиддинов ҳисобига ёзилди.

«Бунёдкор»нинг чорак финалдаги рақиби «Машъал» ва «Қизилқум» ўртасидаги учрашувда аниқланди. Дастлабки беллашувда 2:1 ҳисобида зафар қучган муборакликлар Зарафшонда ўтган ўйинда мезбонлар дарвозасига иккита тўп киритиб, умумий ҳисобда 4:1 натижаси билан ғолиб чиқди.

Мамлакат кубоги мусобақасида тўп сурган биринчи лига вакили – «Гулистон» икки учрашувда ҳам «Насаф» футболчиларидан мағлубиятга учради. Бош совринни кўзлаётган қаршилик чарм тўп усталари ярим финал йўлланмаси учун ўтказиладиган кейинги баҳсда Жиззахнинг «Сўғдиёна» жамоаси устидан ғалаба қозонган «Металлург» билан рақобатлашади.

Самарқанднинг «Динамо» жамоаси мусобақани тарк этди. «Бухоро» футболчилари эса чорак финалда «Локомотив» – «Нефтчи» жуфтлиги ғолиби билан куч синашади. Ҳозирча, нимчорак финалнинг дастлабки учрашувида пойтахтликлар ўз майдонида «Нефтчи» вакилларини 2:1 ҳисобида мағлуб этди. Кейинги босқичга қайси жамоа чиқиши 9 июль куни Фарғонада ўтказиладиган жавоб ўйинида аниқ бўлади.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА мухбири

МУҲТАРАМАНИНГ НАВБАТДАГИ ЮТУҒИ

Тош кўтариш бўйича Германияда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида андижонлик икки карра жаҳон чемпиони Муҳтарама Алиева дунёда тенгсиз эканини яна бир бор исботлади.

Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида спортни, айниқса, болалар ва хотин-қизлар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Спорт билан шуғулланиш учун давлатимиз томонидан яратиб берилган шарт-шароитлардан самарали фойдаланиб, ўз тажриба ва маҳоратини ошириб келаётган опа-сингилларимиз халқаро беллашувларда ҳам Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқда.

Мазкур чемпионатда жаҳоннинг ўттизга яқин давлатидан келган спортчилар ғолиблик учун баҳс олиб борди. Кураш асосан Польша, Ўзбекистон ва мезбон мамлакат вакилалари ўртасида кечди. Унда 60 килограмм вазн тоифасида иштирок этган Муҳтарама Алиева юқори натижага эришди. У финалда 16 килограммли тошни 50 марта кўтариб, польшалик рақибасини ортда қолдирди ва учинчи бор жаҳон чемпиони номига сазовор бўлди.

– Номдор ва кучли спортчилар иштирок этган ушбу чемпионатда ғолиб чиққанимдан мамнунман, – дейди ЎзА мухбирига Муҳтарама. – Мусобақага жиддий тайёргарлик кўрганим, тажриба ва маҳоратимни ошириш борасида астойдил иш олиб борганим навбатдаги чемпионликни қўлга киритиш имконини берди. Ушбу ғалабамни Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллигига бағишлайман.

Ф. УБАЙДУЛЛАЕВ

ЎЗ-ЎЗИ ЎРГАНИБ ДОНО БЎЛУР

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Бола тарбияси – энг қийин, энг нозик, энг масъулиятли иш.

* * *

Баъзиларнинг дўсту душманлигини билиб бўлмайди.

* * *

Бировни овора қилишдан ёмони йўқ.

* * *

Қарилик ҳар қандай йўл билан ўзини тан олдиради.

* * *

Кўпчилик бола тарбиясини едириш ва кийдиришдангина иборат деб билар.

* * *

Бировга фақат ташқи томондангина ҳавас қилиш мумкин.

* * *

Қисматига инсоннинг ўзи сабабчи бўлади.

* * *

Миннатли ёрдамни рад этган маъқул.

* * *

Бировни эмас, ўзингни айбла.

* * *

Нақдимни ол, вақтимга тегма.

* * *

Ишончи йўқнинг қувончи йўқ.

* * *

Исрофгарчилик – инсониятнинг фожиаси.

* * *

Минг йўлини тўсманг, булоқ бир ердан уриб чиққани каби, ҳар қанча яширишга уринманг, ёмонлик ҳам барибир ўзини намоён қилар экан.

* * *

Зуғум – зулмнинг кўриниши.

* * *

Бугун бор одам эрта қарабсан-ки йўқ-да. Бундан ибрат олиш керак.

* * *

Қарз – бехосият нарса.

* * *

Ота-онанинг касрига кўпинча болалари қолади.

* * *

Ноқобил бола – жонингга бало.

* * *

Кимнинг кўнгли нозик,
Унга оғир ёзиқ.

* * *

Дилсиёҳлик билан бўладиган тўйнинг мотамдан фарқи йўқ.

* * *

Кимни йўқчилик бузади, кимни тўқчилик.

* * *

Бошқаларнинг дардидан ҳамма хабардор.

(Давоми бор)

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

38-40 даража иссиқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра ***10 июлда*** *Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиши даражаси 1-3 фоиз кўпайиши тахмин қилинмоқда, тагмиқдори паст бўлади.*

Тошкент шаҳрида ***10 июль*** *куни ҳаво вақти-вақти билан бир оз ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 20-22, кундузи —*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни ётказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9223

Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 741

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 5102 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул Д. Исроилов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди: 14.50

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ